

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) бакалаврият таълим йўналишининг малака талаblари

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

ЎЗР ОЎМТВ
Буйруқ № 356
"18" 08 2021 йил

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил “17” августдаги 3- сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил “18” августдаги 356 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаби “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рақамсига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|-------|--|-----|
| 1. | <i>60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)</i> таълим йўналишининг умумий тавсифи..... | 4 |
| 1.1 | Қўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.1.1 | <i>60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)</i> таълим йўналиши малака талабининг қўлланиши..... | 4 |
| 1.1.2 | Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари..... | 4 |
| 1.2 | <i>60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)</i> таълим йўналиши касбий фаолиятларининг тавсифи..... | 4 |
| 1.2.1 | <i>60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)</i> таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятининг соҳалари..... | 4 |
| 1.2.2 | <i>60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)</i> таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятларининг объектлари..... | 4 |
| 1.2.3 | <i>60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)</i> таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий фаолиятларининг турлари..... | 5 |
| 1.2.4 | <i>60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари..... | 5 |
| 2. | <i>60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)</i> таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар..... | 6 |
| 2.1 | Умумий компетенциялар | 6 |
| 2.2 | Касбий компетенциялар | 6 |
| | Библиографик маълумотлар | 7 |
| | Келишув варағи | 8 |

**1. 60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)
таълим йўналишининг умумий тавсифи**

60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Ушбу таълим шакли бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Малака талаби **60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)** таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун маъсул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор ўқитувчилари;

- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;

- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;

- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;

- олий таълим ташкилотини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;

- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;

- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг она-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) – “Тиллар” таълим соҳасига оид йўналиш бўлиб, у таржимонлик бюрolari, оммавий ахборот воситалари, нашриётлар, таҳририятлар, давлат бошқаруви органлари, саёхат агентликлари, авиакомпания, фирма ва меҳмонхоналар, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтлари, узлуксиз таълимнинг давлат ва нодавлат муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш билан боғлиқ масалалар мажмуасини қамраб олади.

1.2.2. 60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг объектлари:

- оғзаки ва ёзма таржима фаолияти билан шуғулланувчи таржимонлик бюрolari, агентликлар, нашриётлардаги таржима жараёнлари;

- ўрганилаётган тилнинг назарий ва амалий асослари ва луғат бойлиги, мазкур тилда илмий ва бадиий адабиётларни таржима қилиш жараёнлари;

- ўрганилаётган тилдаги таржималар ва унинг ривожланиш жараёни;

- таржима назарияси ва амалиётининг асослари, матн таржимаси, синхрон таржима, кетма–кет таржима, бадий таржима, терминология таржимаси, ёзма таржима, оммавий ахборот таржимаси, визуал таржима жараёнлари.

60230200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда профессионал таълим муассасаларида педагогик фаолият юритишлари мумкин.

1.2.3. 60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- таржимонлик фаолияти;
- таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолият;
- ОАВ да таржимонлик фаолияти;
- илмий тадқиқот фаолияти;
- умумий ўрта, ўрта махсус, профессионал таълим тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик фаолият (қайта тайёрлашдан сўнг).

1.2.4. 60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари:

60230200 – *Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари)* таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Таржимонлик фаолиятида:

- таржиманинг назарий асосларини, таржиманинг грамматик, лексик, фразеологик, стилистик ва прагматик муаммоларини билиш;
- таржима типлари, лексик муқобиллик, таржимада қўлланиладиган асосий методларини амалда қўллай олиш;
- таржимани холисона баҳолай олиш ва таҳлил қилиш;
- ёзма, оғзаки ва визуал таржиманинг асосий хусусиятларини ўзлаштириш;
- таржимада тил воситаларини онгли равишда танлаш, лексик, семантик, фразеологик услубий матнларнинг ўзига хосликларини она тили ва чет тилларида инobatга олиш малакасини эгаллаш;
- чет тилидан она тилига ва она тилидан чет тилига оғзаки ва ёзма таржимани амалга ошириш;
- халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма–кет таржима қила олиш;
- амалиётда инфорацион технологияларни халқаро ва касбий стандартларни, замонавий педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш.

Таржимонлик ва муҳаррирлик фаолияти:

- турли типдаги матнларни таржима қилиш ва ушбу жараёнда адабий тил нормаларига амал қилиш;
- таржима қилинган матнларни таҳрир қилиш;
- таҳрир қилинган материалларни нашр этишга тайёрлаш;
- хорижий тилда материаллар тайёрлаш, турли манбалардаги маълумотларни саралаш ва таҳрир қилиш.

Ташкилий–бошқарув фаолиятида:

- таржимонлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш;
- ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф–муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келадиган ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;

- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш.

ОАВда таржимонлик фаолиятида:

- босма ва электрон оммавий ахборот воситалари учун хорижий тиллардаги материалларни таржима қилиш;
- хорижий тилларда интервью олиб бориш, суҳандонлик қилиш;
- хорижий тиллардаги материалларни таҳрир қилиш.

Илмий тадқиқот фаолиятида:

- ўтказилаётган илмий–тадқиқот лойиҳалари мавзуси бўйича методлар, дастурий ечимлар, янги тадқиқотлар қилиш ва ишлаб чиқиш;
- таржимашуносликнинг долзарб масалалари бўйича экспериментал тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига ишлов бериш;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий обзорларни ишлаб чиқиш, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёргарлик ихтисослигига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш.

Умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг мос таълим муассасаларида педагогик (қайта тайёрлашдан сўнг) фаолиятида:

- мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда профессионал таълим тизимининг ихтисослигига мос таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш учун ўқитишнинг дидактик воситаларидан фойдаланиш;
- чет тилларни интенсив шаклда ўргатиш (қисқа курслар);
- мустақил таълим ва илмий-ижодий изланиш ишлари натижасида ўқитилаётган фан бўйича педагогик фаолиятни мунтазам такомиллаштириб бориш.

2. 60230200 – Таржима назарияси ва амалиёти (роман-герман тиллари) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда хаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш ўққув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

2.2 . Касбий компетенциялар:

- меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни излаш, таҳлил қилиш ва улардан касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиш;
- турли соҳаларда таржимонлик, чет тилидаги матнлар муҳаррири;
- таржимани ҳолисона баҳолай олиш ва таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ёзма, оғзаки ва визуал таржима қилиш;
- таржимашунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;
- бадий таржима бўйича назарий билимларини бадий асарлар таржимасида қўллаш олиш;
- таржимада тил воситаларини онгли равишда танлаш;
- ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш;
- терминологик таржима ишларини ва хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- хорижий тилларни жадаллашган усулда ўргатиш;
- халқаро конференцияларда синхрон, визуал, кетма–кет таржима қилиш малакасига эга бўлиш.

Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01. 040. 01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, кредит-модуль тизими, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастурлари, бакалавриятнинг ўқув жараёни, ўқиб ўрганиш натижалари, малака талаблари, таълим сифатини баҳолаш ва назорат қилиш, мустақил таълим, ОАВда таржимонлик, таржима турлари, ташкилий-бошқарув, таржимонлик ва муҳаррирлик, терминология таржимаси, синхрон таржима, бадий таржима, мактабгача, умумий ўрта ва ўрта махсус ҳамда профессионал таълим, кадрлар буюртмачилари, иш берувчи ташкилот ва корхоналар, давлат аттестацияси, илмий тадқиқот жараёни, узлуксиз таълим тизими, педагогик фаолият, таржима турлари.

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

М.Ў.



Ректор _____ **У.Азизов**

2021 йил “ _____ ” _____

КЕЛИШИЛДИ:

**Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
хузуридаги Олий таълимни
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази**

**Алишер Навоий номидаги
Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети**

Директор в.б. _____ **М.Эсонов**

Ректор _____ **Ш.Сирожиiddинов**

2021 йил “ _____ ” _____

2021 йил “ _____ ” _____

М.Ў.



М.Ў.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси

**Тошкент давлат шарқшунослик
университети**

Раис _____ **С.Саидов**

Ректор _____ **Г.Рихсиева**

2021 йил “ _____ ” _____

2021 йил “ _____ ” _____

М.Ў.



М.Ў.

